

## **MCHJ "OSIYO AUDIT" AT**

Toshkentsh, Yunusobod tumani,  
A. Temur 1-toriko' chasi, 2-uy.  
Telefon: +99 (871) 236-11-60  
e-mail: [osiyo-audit@mail.ru](mailto:osiyo-audit@mail.ru)  
<http://www.osiyo-audit.uz>



## **OOO "OSIYO AUDIT" AO**

г. Тошкент, Юнусабадский район,  
ул. А. Темура, проезд-1, дом -2.  
Телефон: +99 (871) 236-11-60  
e-mail: [osiyo-audit@mail.ru](mailto:osiyo-audit@mail.ru)  
<http://www.osiyo-audit.uz>

## **МУСТАКИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

"KONVIN" AJ таъсисчиларига

### **Фикр**

Бизнинг фикримизча, илова қилинаётган молиявий ҳисоботлар "KONVIN" AJ (кейинги матнларда "Жамият")нинг 2021 йил 31 декабрга булган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимлари ҳаракатини барча муҳим жиҳатларда Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

### **Аудит предмети**

Биз "KONVIN" AJнинг қуйидагилардан иборат таркибдаги молиявий ҳисоботларини аудитдан ўтказдик:

- 2021 йил 31 декабр ҳолатига булган молиявий натижалар туғрисидаги ҳисобот;
- 2021 йил 31 декабр ҳолатига бухгалтерия баланси;

### **Фикр билдириш учун асослар**

Биз Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) га мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг "Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги" бўлимида батафсил ёритилган. Биз Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) "Профессионал бухгалтерлар учун ахлоқ Кодекси талаблари ва ахлоқий қоидаларига, шунингдек молиявий ҳисобот аудитига тегишли Ўзбекистон Республикасида қулланиладиган ахлоқ меъёрларига мувофиқ жамиятдан мустақилмиз ва БХАСК кодексида белгиланган бошқа

Татқилот: **KONVIN AJ**

Тошкент вилояти Бустонлиқ тумани давлат хизматлари марказидаруйхатга олинган.

1996 йил 12 апрелда берилган № 000687сонли Гувохнома. СТИР: 200441238

Тошкент вилояти, Бустонлиқ тумани, Ғазалкент

Хр 20208000200155674001 МФО 00445

АКБ "Капитал Банк "

Мустақил аудиторлик ташкилоти: МЧЖ АТ "OSIYO AUDIT".

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида руйхатга олинган.

1998 йил 11 августда берилган № 517 регистрация рақамли Гувохнома.

**Ўзбекистон Республикаси, Молия вазирлиги томонидан** 2019 йил 17 апрелда берилган АФ № 00817 сонли Лицензия.

Ўзбекистон Бухгалтерлар ва Аудиторлар Миллий Ассоциацияси аъзоси.

мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва уринли деб ҳисоблаймиз.

### **Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги**

Жамият Раҳбарияти молиявий ҳисоботни БҲМС га мувофиқ тайёрлаш ва туғри тамим этиш, шунингдек фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб курсатилган молиявий ҳисоботлар тайёрланишини олдини олиш учун узи зарур деб ҳисоблаган ички назорат тизими учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият Жамият уз фаолиятини узлуксиз давом эттира олиш имкониятини баҳолашга, зарур ҳолларда фаолият узлуксизлиги билан боғлиқ булган ахборотларни ошкор этишга, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш фаолиятни тухтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд булмаса, фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар.

Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар корxonанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

### **Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги**

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли буладиган жиддий нотуғри курсаткичлардан ҳоли эканлигига оқилона ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик ҳулосасида акс эттириш. Оқилона ишонч ишончининг юқори даражасини белгилайди, лекин АХС ларига мувофиқ утказилган аудит мавжуд жиддий хатоларни аниқлашнинг мутлоқ кафолати эмас. Бузиб кўрсатишлар фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин ва ушбу бузиб курсатишлар алоҳида ёки жами булиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин булса, муҳим хатолик ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритамиз ва профессионал скептицизмни қўллаймиз. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажарамиз:

- фирибгарлик ёки хатолик туфайли мол иявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос булиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик таваккалчилиги, хата туфайли муҳим бузиб курсатишларни топилмаслик таваккалчилигидан юқори, чунки фирибгар сохталаштириш, қасдан хато қилиш, нотуғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб утувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган булиши мумкин;
- корxonанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги туғрисида уз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мое келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти уз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тамим этиши билан боғлиқ, булган ички назорат тизимини куриб чиқади;

- қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;
- бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корхонанинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа туғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ, муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги туғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги туғрисида хулоса қиламиз. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган хулосага келсак, аудит ҳисоботида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони булмаса аудит фикрини узгартирамиз. Бизнинг аудит хулосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади. Келажақдаги воқеа ва ҳодисалар корхона фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.
- биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор этилишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этилишини баҳолаймиз.

Биз Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш аудит утказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳарқандай камчиликлар туғрисида алоқасиз Илҳамиз.

Биз шунингдек Корпоратив бошқарув учун масъул шахсларга аудитнинг мустақиллигига тегишли барча ахлоқий талабларга риоя қилинганлиги туғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар туғрисида хабар берамиз.

Биз Корпоратив бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисоботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит ҳисоботимизда ёритамиз, ушбу масалалар туғрисидаги маълумотларни ошкор қилиниши қонун ёки бошқа ҳужжатлар билан тақиқланган ҳоллар бундан мустасно, ёки биз камдан-кам ҳолларда ушбу масалаларни ошкор қилмаслик керак деган хулосага келамиз. Чунки бундай ахборотнинг салбий оқибатлари ижобий оқибатидан ошади деб тахмин қилиш мумкин.

Исмайлов А.М.

Директор МЧЖ АТ "OSIYO AUDIT"

Исмайлов А.М.

Аудитор.



2022 йил 6 июн

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.